

Башарият онгининг тараққиёти



15:40 / 06.03.2020 2856

Муҳаммад Масиҳдан беш юз етмиш йил кейин зоҳир бўлди. Унинг вазифаси аввалги усулларни сингдириб, ягона илоҳга ва бу ҳаётдан сўнг яна ҳаёт борлигига башариятни эътиқод қилишга қайтаришлик ила уларнинг онгини фазилатли ахлоқлар томон юксалтириш эди.

Исломий фикр оламда жуда катта тараққиётни юзага келтирди. Башарият ақлини қоҳинлар ҳузуридаги ҳайкалларга асирлик кишанидан халос этди. Дарҳақиқат, Муҳаммад ибодатхонадаги барча суратларни ўчириши ва илоҳликка тимсол бўлувчи нарсаларни бекор қилиши билан инсоният фикрини қўпол ва бузуқ ақидадан тозалашга эришди.

«Арабларнинг дини» китобидан

Америкалик шарқшунос олим Мистер Санкс